

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**№**

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma.

**2. Loyihaning nomi:** Xizmat ko‘rsatish shartnomasi.

1. **“BULUNG‘UR AXMAD QODIR” X/K xususiy korxonasi** keyingi o‘rinlarda **“Bajaruvchi”** deb yuritiladi. O‘zining Nizomi asosida ish yurituvchi **A.Sattrov** nomidan, bir tomondan va Urgut tuman tibbiyot birlashmasi keyingi o‘rinlarda **“Buyurtmachi”** deb yuritiladi, o‘zining Nizomi asosida ish yurituvchi rahbari **D.Tog‘ayevlar** tomonidan mazkur shartnoma tuzildi.

1.2. Shartnomaning umumiy summasi **178 650 000** (bir yuz yettmish sakkiz million olti yuz ellik ming) so‘mni tashkil qiladi.


**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot:**

Urgut tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022-yil 14-sentabr kuni UO50104211-son hujjat raqami bilan ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

**XULOSA**

Loyiha O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O‘zbekiston Respublikasining **“Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”** 1998-yil-29 avgustdagi 670-I-son qonuni hamda amaldagi qonunchilik hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan, uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Bosh yuriskonsult**



**Q. Mingboyev**

2022-yil 19-sentabr



№ 22110012143976 -лотга асосан  
**Лор Булимани**  
**иситиш тизими ремонт килиш буйича**  
**ШАРТНОМА № 13/09**

Ургут шахри

«21» Сентябрь 2022 йил

“**BULUNGUR AXMAD QODIR**” Х/К **xususiy korxonasi** кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи А.Саттров номидан, бир томондан ва Ургут туман тиббиёт бирлашмаси кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбари Д.Х.Тогаев номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

- 1.1. Мазкур шартнома буйича “Бажарувчи” “Буюртмачи”га Ургут туман тиббиёт бирлашмасига карашли **лор булими иситиш тизими ремонт килиш** кейинги ўринларда - “Ишлар” деб юритилади) ишларини бажариш, “Буюртмачи” ушбу “Ишлар”ни қабул килиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2. “Ишлар”нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.
- 1.3. Шартноманинг умумий суммаси 178 650 000 (бир юз етти миш саккиз миллион олти юз эллик минг) сўмни ташкил қилади.
- 1.4. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: Бошланиши: “ 21 ” сентябр 2022 йил. Тугаши: “31” октябр 2022 й.

**II. ТОМОНЛАРНИНГ  
ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:**

- 2.1.1. “Бажарувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;
- 2.1.2. “Бажарувчи” дан “Ишлар” “Буюртмачи” нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб килиш;
- 2.1.3. “Бажарувчи”дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар» ни нуқсон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган “Ишлар” кўрсатилишини талаб килиш;
- 2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган “Ишлар” кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:  
- зарур сифатга эга бўлмаган “Ишлар” шунга ўхшаш “Ишлар” билан алмаштирилишини;  
- “Ишлар”нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар “Буюртмачи” ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;  
- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб килиш;
- 2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини “Бажарувчи”дан талаб килиш.

**2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:**

- 2.2.1 Ўз буюртманомаси буйича кўрсатилган “Ишлар”ни мазкур шартномага мувофиқ қабул килиш;
- 2.3. «Бажарувчи» куйидаги ҳуқуқларга эга:**
- 2.3.1. Кўрсатилган “Ишлар” учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини “Буюртмачи”дан талаб килиш;
- 2.3.2. Берилган буюртманомасига мувофиқ кўрсатилган “Ишлар”ни қабул килиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини “Буюртмачи”дан талаб килиш.
- 2.4. «Бажарувчи» куйидагиларга мажбур:**
- 2.4.1. “Буюртмачи”га “Ишлар”ни мазкур шартномага мувофиқ ёки “Буюртмачи” томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;
- 2.4.2. Агар “Ишлар”ни бажариш жараёнида “Бажарувчи” шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, “Буюртмачи”нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

**III. ШАРТНОМАНИНГ  
БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **178 650 000 (бир юз етти миш саккиз миллион олти юз эллик минг) сўмни ташкил қилади. бажариладиган “Ишлар”нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.**
- 3.2. Кўрсатилган “Ишлар” учун пул қўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.
- 3.3. “Буюртмачи” мазкур контрактни газначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ контракт умумий суммасидан 30 % миқдорда (шартнома суммасининг 30% миқдорда) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул килиш далолатномаси, ҳисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

**IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ**

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. “Ишлар” қабул килиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар буйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. “Буюртмачи” муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган “Ишлар”ни қабул килишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.5. Назарда тутилган ҳажмдан ортиқча бир номда “Ишлар” кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган “Ишлар” ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган “Ишлар”нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай “Ишлар” “Буюртмачи”нинг олдиндан берилган ёзма розилиги буйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Бажарилган “Ишлар” бевосита “Буюртмачи”нинг масъул ходими томонидан далолатнома буйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган “Ишлар” ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган “Ишлар” кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки “Буюртмачи”нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда “Бажарувчи” Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтари юритади. Буюртманомасида “Ишлар”нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади.



Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманоманда кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

#### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, ҳажми "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортимент, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Ишлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган "Ишлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ «Ишлар» бажарувчи томонидан қопланади.

#### VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

#### VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «20» сентябрдан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

#### VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1. Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

8.2. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан сунг қонуний кучга киради.

#### IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

#### X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Бажарувчи»		"Буюртмачи"
Фирма номи	«BULUNGUR AHMAD QODIR» Х/К	Уругут туман тиббиёт бирлашмаси Уругут шаҳар Навоий шох -99 Ш/хв. 100922860182367073101054004. ИНН-200784602. ОКОНХ- 91511.
Хисоб рақами	20208000205186703001	
ИНН	307179285	
Банк номи	Микрокредитбанк Булунгур филиали	
мфо	00289	
Раҳбар	Саттаров Аҳмоджон Бурхон угли	Раҳбар: Д.Тоғаев
Иш юрүтүвчи	Абдуллаев Умарали Рузибоевич	
		Марказий банк Тошкент ш. ХККМ х/р-23402000300100001010. МФО-00 014 ИНН-201122919. ОКОНХ-97160. Молия Вазирлиги ягона газна ҳисоб varaги.



Ургут туман тиббиёт бирлашмаси билан «**“BULUNGUR AXMAD QODIR” Х/К**»  
ўртасида  
2022 йил 21-сентябр тузилган № 13/09 сонли шартномага ҳисоб-китоб  
илоvasи

№	Товар (иш ,хизмат) номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Баҳоси
1	Лор Булимини иситиш тизими ремонт килиш буйича	комплек	1	178 650 000	178 650 000

Бажарувчи :  
«**BULUNGUR AXMAD QODIR**» Х/К  
Рахбари А.Сатторв



Буюртмачи :  
Ургут ТТБ  
рахбари Д.Тоғаев

